



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Албания Республикаси Президенти Байрам Бегай рафиқаси ҳамроҳлигида 16-17 июнь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер рафиқаси ҳамроҳлигида 17-18 июнь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси раиси Си Цзинпинни таваллуд кунини муносабати билан табриклаб, унга мустақкам соғлиқ, масъулиятли давлатчилик фаолиятида улкан муваффақиятлар ва оилавий бахт-саодат тилади.

Президент Шавкат Мирзиёев «Uzbekistan Airways» акциядорлик жамиятини трансформация қилиш ва IPOга тайёрлаш ишларини жадаллаштириш юзасидан тақдирот билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Тошкентни Марказий Осиёнинг йирик авиахабига айлантириш учун барча имкониятлар мавжудлигини таъкидлади. Бунинг учун «Uzbekistan Airways», «Uzbekistan Airports» ва «Янги Тошкент» аэропорти ўртасидаги ҳамкорликни ягона тизим асосида мувофиқлаштириш, инфратузилма, йўналишлар ва транзит тармоғини ўзаро боғлиқ ҳолда ривожлантириш зарурлиги қайд этилди.

Мутасаддиларга Миллий инвестиция жамғармаси портфелидаги корхоналар трансформациясини тизимли ташкил этиш учун алоҳида лойиҳа офисини ишга тушириш, компаниялар бошқарув органларига халқаро молия бозорлари талабларини яхши биладиган, амалий тажрибага эга мутахассисларни жалб қилиш, ҳар бир корхона бўйича IPOга тайёргарликнинг аниқ графигини ишлаб чиқиш ва ижросини қатъий назорат қилиш топширилди.




ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР ЎҚИШ УЧУН ҚАЙСИ ДАВЛАТЛАРГА БОРМОҚДА?

Батафсил ахборот олиш учун
«Ishonch»нинг Телеграм каналига ўтинг:



ЎҚИШ ДАВРИ ИШ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИМИ?

Батафсил билиш учун «Ishonch»нинг
Телеграм каналига ўтинг:



МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ ВА УНИНГ ТАСАРРУФИДАГИ ТАШКИЛОТЛАР «УЛКАН САЛОҲИЯТИ»НИ ЯНА БИР БОР НАМОЙИШ ЭТИБ, ЎЗБЕК ХАЛҚИНИ ЯНА «ҲАЙ-РАТ»ДА ҚОЛДИРДИ. БУ ГАЛГИ «КАШ-ФИЁТ» – ПОЙТАХТИМИЗДАГИ МУҲТАШАМ «ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ» САНЪАТ САРОЙИДА, МИНГЛАБ ТОМОШАБИНЛАР КЎЗ ЎНГИДА КУЗАТИЛДИ. ВАЗИРЛИК ТОМОНИДАН ЎТҚАЗИЛГАН ҲИСОБОТ КОНЦЕРТ ДАСТУРИ НАФАҚАТ КУЙ-ҚЎШИҚЛАР, БАЛКИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРИХИГА КИРИТИЛГАН «ИНҚИЛОБИЙ ЯНГИЛИК» БИЛАН ҲАМ ЭЛГА «МАНЗУР» БЎЛДИ...



Маданият вазирлигига! САҲНАДАГИ САВОДСИЗЛИК

наҳотки, **ЧЎЛПОН**ни унуттиш,
АВЛОНИЙни адаштириш мумкин бўлса?!

Гап шундаки, саҳна тўридаги улкан ва замонавий мониторда ўзбек шеърятининг улуг вакили, миллат ҳурлиги учун жон берган жадид бобомиз **Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон**нинг сурати пайдо бўлади. Бу – қарсак чалиб, олқишлашга арзийдиган ҳолат. Аммо сурат остига **Абдулла Чўлпон** деб ёзилган...

Ҳа, адашмадингиз! Сизу биз йиллар давомида мактаб дарсликлари ва китобларда ўқиб, Абдулҳамид деб таниган, ардоқлаган улуг шоиримиз Маданият вазирлигининг енг шимариб қилган «ҳисоботи»да бир лаҳзада «Абдулла»га айланиб қолди.

Ким билсин, эҳтимол, маънавият ва маданият тарғиботчилари бўлмиш мутасаддилар «Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Ориповлар қаторида Чўлпон ҳам «Абдулла» бўлса, исмлар ансамбли чиройлироқ чиқади», деб ўйлашгандир? Ёки бўлмаса, исмининг «Ҳамид» қисми концертнинг умумий бюджети каби «оптималлаштириш»га учрагандир?

Йўқ, улар бундай ўйлашмаган. Агар шундай бўлганида, қон босимингни оширадиган иккинчи хатога, аниқроғи, саводсизликка йўл қўйишмасди. Яъни маърифатпарвар бобомиз **Абдулла Авлоний** катта мониторда «**Абдулҳамид Авлоний**» бўлиб чиқмасди.

Нима бўлгандаям, Интернет аҳли ва ижтимоий тармоқлар фаоллари ҳам аянчли, ҳам кулгили бу ҳолатни ҳақли равишда кескин танқид қилишмоқда. Жамоатчиликнинг умумий фикри қуйидагича: «Агар мамлакатнинг Маданият вазирлиги ўз миллатининг энг буюк сиймоларини танимаса, исмларини тўғри ёзолмаса, оддий халқдан, ёшлардан нимани куттиш мумкин?».

Шахсан мен учун бу саводсизлик «техник хато» дея баҳолашиб, битта узр сўраш билан шунчаки унутиладиган мавзу эмас. Чунки бундай дабдабали тадбирлар учун давлат бюджетидан миллионлаб маблағлар сарфланади, ҳафтааб репетициялар қилинади, сценарийлар бир неча босқичли чиғирқлардан ўтказилади. Саҳна ортида (бир неча кун) ўнлаб режиссёрлар, муҳаррирлар, бадий раҳбарлар ва вазирлик масъуллари ҳамма жараёни назорат қилиб, бўлажак концертга тайёргарлик қўришади. Наҳотки, уларнинг ҳеч бири катта экранда «ярқираб» турган саводсизликни пайқамаган бўлса?! Шуниси алам қилади...

Бир вақтлар шўро мафқураси Чўлпонни қатагон қилиб, асарларини ёқиб, исмини тарихдан ўчиришга уринган эди. Бугун эса, мустақил юртда, ўз ватанида унинг исмини «зукко маданиятчи»лар ўзгартириб ўтирибди. Бу бепарволик ва лоқайдлик никобидаги «қатагон» эмасми?

Жадидлар, хусусан, Абдулҳамид Чўлпон миллатни маърифатли қилиш учун жонини фидо қилган, Абдулла Авлоний борини берган эди. Қарангки, биз уларнинг исми-шарифларини...

Тахририятдан: бутун бир миллатнинг саводи ва савиясига соя соладиган бундай «битик»лар бевътибор қолмаслиги керак. Зотан, давлатимиз раҳбари томонидан соҳага кўрсатилаётган алоҳида эътибор ҳамда яратиб берилган ва берилмаётган имкониятлар, имтиёзлар ҳақида соатлаб гапириш мумкин. Аммо халқ таъбири билан айтганда, гап ҳозир унда эмас, бугунда...

Вазирлик «қовун туширди». Энди мужжал ва юзаки баёнотлардан воз кечиши шарт. Бугун кенг жамоатчилик муаммони ҳастўйлайдиган изоҳларни эмас, балки аниқ айбдорлар ва уларга берилган ҳуқуқий-интизомий баҳони кўтмоқда. Вазирлик бу тизимли муаммога нисбатан ўз позициясини нечоғлиқ қатъий намоиш этади? Буни вақт кўрсатади. Кутамиз...

рини тўғри ёзишни эпловмайдиган даражада «саводли» бўлибмиз...

Агар миллат тарбияси ва маданиятига масъул бўлган вазирликнинг ҳисобот-дастури шундай бўлса, қолган ишлари, ҳисоботлари қай даражада экан-а?

Умид қиламизки, Маданият вазирлиги бундан кейин бундай «топилма»ларга йўл қўймайди. Яна қайдам, ким билсин...

Бугун вазирликнинг «маданий» савиясини кўриб, кўзлар қўрқмоқда, ўзбек маънавиятининг эртасидан кўнгиллар титрамоқда.

Хулоса ўрнида: оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда энг кўп ёритиладиган мавзу – саводсизлик! Йиллар давомида қатор-қатор мисоллар билан бонг урилса-да, афсуски, саводсизлик кўчалардаги реклама ва эълонлардан катта саройдаги катта саҳнага кўчибди. Мана шуниси ҳақиқий фожа...

Барчага халқ дардида қўшиб-ёнган «Абдулла Чўлпон» шеърятидан, «Абдулҳамид Авлоний» асарларидан баҳраманд бўлишни тилаб қоламиз!

Алижон АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»

2026-yil,
16-iyun,
seshanba
№70
(5290)

● Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

● O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

ҚАРДОШЛИК ВА ИНСОНИЙ БИРДАМЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Ўзбекистон маҳалласи. Бу юртимизда эмас, балки Туркия Республикаси
Ҳатай вилоятининг Арсуз туманида янгидан барпо қилинган маскан...



111,5 гектар майдонни ўз ичига олган «Ўзбекистон» маҳалласида жами 3000 га яқин хонадондан иборат уй-жойлар қурилган бўлиб, шундан 300 дан зиёд хонадонли 24 та кўп қаватли уй айнан Ўзбекис-


тон томонидан барпо қилинган.

Шунингдек, ҳудудда 2 минг 212 метрли Шавкат Мирзиёев бульвари, Тошкент кўчаси, Самарқанд кўчаси, 500 ўринли Бухоро жоме масжиди, Ўзбекистон Респуб-

ликаси дўстлик боғи, маҳалла ошхонаси, болалар учун ўйингоҳ ва майдончалар ўрин олган. Маҳалла кўчалари ва масжидга тарихий шаҳарларимизнинг номи берилгани икки халқнинг тарихий илдиз-

лари бирлиги, муштарак қадриятлари ва маданияти, қардош ва ҳамжихатлиги, бирдамлигининг ифодасидир.

Шавкат ТОҲИРОВ
(ЎзА) олган сурат



Паркент тумани тиббиёт бирлашмасида
фаолият юритувчи 22 нафар ходимга
тўланмай қолган қарийб 75 миллион
сўмлик устама пули суд орқали ундириб
берилди.

Гап шундаки, Соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшмаси томонидан олиб борилган ўрганишлар натижасида ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилгани аниқланди. Хусусан, 2025 йилнинг январь-август ойлари давомида 22 нафар ходимга жами 74 миллион 242 минг 807 сўм маблағ кам ҳисобланган.

Шундан сўнг иш берувчига қонунбузилиш ҳолатини баргараф этиш юзасидан кўрсатма хати юбордик. Бироқ у белгиланган муддатда бажарилмади. Кейин судга даъво-ариза киритдик. Шу тарихида 22 нафар тиббиёт ходимининг меҳнат ҳуқуқлари тикланди.

– Тўғриси айтсам, бундай бўлишини кутмагандим, – дейди ходим Хусан Туропов. – Чунки шу чоққача мурожаатларимиз иноватга олинмаётганди. Суд тугагач, кўп ўтмай, қартамга салкам 15 миллион сўм пул тушди. Касаба уюшмаларига раҳмат!

Муҳаммадjon РЎЗМЕТОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори



Бу кунги юмушни эртага қўймоқ марғуб эмас,
Тонгла не ҳол рўй беруин кажрафтор айтиб бермас.
Фирдавсий

Мулоқот

ТАШАББУСЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, билими ва касбий салоҳиятини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу борада касаба уюшмалари ҳам кенг қўламли ишлар олиб бормоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши ҳамда Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир ана шу саъй-ҳаракатларнинг манتيқий давоми бўлди. Унда Федерация вилоят кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Бахтиёр Исмоилов сўзга чиқиб, мамлакатимизда ёшларга яратилаётган кенг имкониятлар, таълим ва бандлик соҳасида амалга оширилаётган иш-хототлар ҳамда давлат томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳақида батафсил маълумот берди. Шу аснода ўғил-қизларни ўз устида мунтазам ишлашга, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллашга чақирди.

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилояти кенгаши раиси Якуббой Эгамов эса ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат ҳуқуқларини таъминлашда касаба уюшмаларининг ролига тўхталди.

Талаба-ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан атрофлича жавоб олдилар.

Муборак МАТНАЗАРОВА,
Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилояти кенгаши ходими



«ДУБУЛҒАНИ ЕЧМАНГ, АВТОКРАН ТАГИДА ЮРМАНГ...»

Андижонда меҳнат муҳофазаси мутахассислари қурувчиларнинг иш шароитлари билан танишди

Ишчи қурилиш майдонига қадам босган сониядан бошлаб махсус уст-бош ва пойабзал кийишга, ҳимоя ду-булғаси ва бошқа муҳофаза воситаларини тақишга мажбур. Баландликда ишлаётган ходим 1,8 метрдан юқорида олиб борадиган ҳар қандай фаолиятда арқон ва белбоғ орқали мустаҳкам конструкцияга боғланиши шарт. Иш жойида қурилиш чиқиндилари, миҳ ёки тахта парчалари сочилиб ётмаслиги керак. Кран ишлаётган ёки чуқур қазилган жой қизил тасмалар билан ўралиши, атрофига оғоҳлантирувчи белгилар қўйилиши зарур.

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Респуб-

лика кенгашининг меҳнат муҳофазаси бўйича бош мутахассиси Дилдора Ҳошимова Андижонда бир қатор қурилиш ташкилотларидаги шарт-шароитлар билан яқиндан танишиб, иш берувчилар ва ходимларга юқоридаги тартиб-қоидаларни яна бир бор эслатди.

Вилоят марказида фаолият кўрсатаётган «Anemon elite» масъулияти чекланган жамиятида бугунги кунда 110 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг 10 нафарини аёллар ташкил қилади. Ушбу жамоа ахли айни пайтларда Юсуф Отабеков номидаги тиббиёт институти клиник шифохонасида реконструкция ишларини олиб бормоқда.

Касаба уюшма вакилларининг

корхонага амалий ёрдам кўрсатиш мақсадидаги ўрганишлари давомида МЧЖда меҳнат муносабатларининг қонунчилик талаблари асосида йўлга қўйилиши, ходимлар билан меҳнат шартномалари расмийлаштирилиши, иш жойларида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига нечоғлиқ амал қилинаётгани билан боғлиқ ҳолатлар кўздан кечирилди. Ишчиларнинг шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиши, санитария-гигиена талабларига риоя этиш масалалари ҳамда ижтимоий-маиший шароитлар билан яқиндан танишилди.

Қурилишлар юқори масъулият ва алоҳида эътибор талаб қиладиган соҳалардан бири. Шу боис

хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилиш, меҳнат муҳофазаси бўйича профилактик тадбирларни мунтазам ўтказиб бориш, ходимларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш жуда муҳим. Касаба уюшмалари меҳнат жамоалари билан самарали мулоқот олиб бориб, иш берувчилар билан ижтимоий шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш чораларини қўришларини ҳаётнинг ўзи тақозо этаётир. Ишчи-ходимлар иштирокидаги мулоқотларда тармоқ касаба уюшмасининг вилоят бўлини маси раиси Назокат Қўзибоева, бўлинманинг меҳнат техник инспектори Абдуманноб Абдураимовлар учрашувда бу ҳақда сўз юритиб, қурувчиларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Шу кунги касаба уюшмаси вакиллари Андижон шаҳрида жойлашган «Leyla building», «Nice city avenue» масъулияти чекланган жамиятларида ҳам бўлиб, юқорида тилга олинган масалалар билан боғлиқ вазиятларни ҳам таҳлил қилдилар.

Нурилло НЎЪМОНОВ
«ISHONCH»

Касаба уюшмаси аралашгач...

СУД ЎҚИТУВЧИ ФОЙДАСИГА ҚАРОР ЧИҚАРДИ

Жиззах шаҳридаги 17-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Моҳира Юнусованинг дарс пайти томоғи бўғилиб қола бошлади. Муаллимга соғлиғидаги бу ўзгаришни ишга ҳаддан зиёд берилиб кетгани билан изоҳлади.

Ушбу ҳодиса 2024 йил 27 декабрь кунги Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидagi Санитария, гигиена ва касб касалликларини илмий-тадқиқот институти клиникасида ўтказилган текширув унда касб касаллиги мавжудлигини тасдиқлади. Шундан сўнг мазкур тиббий муассасада сурункали овоз бўғилиши ташхиси билан давоаланган устознинг саломатлиги тикланавермади.

2025 йил 5 ноябрда Жиззах туманлараро 30-тиббий-ижтимоий экспертиза комиссияси ўқитувчи касбий меҳнат лаёқатининг 50 фоизини йўқотганини қайд этиб, III гуруҳ ногиронлигини белгилди. Энди Моҳира Юнусовага бир марталик нафақа ҳамда ойма-ой зарар пуллари тўланиши лозим эди.

Аммо устознинг Вазирлар Маҳқа-

масининг 2005 йил 11 февралдаги «Ходимларга уларнинг меҳнат вазибаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни қоплаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқларини иш берувчи тан олмади. Шу боис у Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгашига мурожаат қилди.

Мурожаат ўрганиб чиқилгач, таълим муассасаси раҳбари номига 70 миллион 118 минг сўм миқдорида бир йўла тўланадиган нафақа пули ҳамда 37 миллион 981 минг сўм миқдорида ойма-ой тўланиши керак бўлган зарар

пулларини ундириш тўғрисида тақдимнома киритилди. Аммо мазкур ҳуқуқий талаб иш берувчи томонидан қондирилмади.

Алалокибат, мазкур низоли масала фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судида кўриб чиқилди ва адолат қарор топди: иш берувчидан ходим фойдасига жами 108 миллион 99 минг сўм ундирилди.

Ҳа, баъзан ўз мажбуриятини унутган раҳбарларга қонун устуворлигини суд залида эслатиб қўйишга тўғри келади.

Алишер БУРХОНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича етакчи мутахассиси

ФАЗИЛАТ ИШИГА ҚАЙТИ

1211 эшитади

«Инсон кадрни учун» деган иборани тез-тез ишлатамиз. Бироқ бу тамойил оддий фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тиклангандагина амалда ўз исботини топади. Нукуслик Бахтигул опанинг хавотири унинг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг хотин-қизлар муаммолари бўйича «Ишонч телефони»га мурожаат қилишига сабаб бўлди.

Опаннинг қизи Фазилат Ғанибаева Республика болалар юқумли касалликлар шифохонасида ҳамшира бўлиб ишлаб келаётган, 2023 йилда эса қонуний ҳуқуқидан фойдаланиб, бола парвартириш таътилига чиққан эди. Вақт ўтиб, Фазилат навбатдаги фарзандига ҳомиладор бўлди. Бироқ шифохонанинг кадрлар бўлими раҳбари бўлажак онанинг ҳолатини тушуниш, унга қонунда белгиланган тартибда навбатдаги декрет таътилини расмийлаштириш ўрнига, ҳужжатларини олиб кетишини талаб қилди. Ҳатто иш берувчининг масъулиятсизлиги шу даражада етдики, 2026 йил 19 март кунги Фазилат билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида буйруқ ҳам чиқарди.

Онанинг умид билан йўллаган ушбу мурожаати қатъий назоратга олиниб, атрофлича ўрганиб чиқилди. Натияжада адолат қарор топди. Давлат меҳнат инспекцияси аралашувида сўнг Ф.Ғанибаева шифохонанинг болалар ошқозон-ичак касалликларини даволаш бўлимига қайта ишга қабул қилиниб, бузилган меҳнат ҳуқуқлари тўлиқ тикланди.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРҒИБОТИ

Тошкент вилоятининг сўлим гўшаларидан бири Паркент туманидаги спорт мактабида Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши томонидан спартакиада ташкил этилди.

Мусобақага бошланғич ташкилотлардан қарийб 200 нафар иштирокчи ҳамда 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган аҳоли вакиллари жалб қилинди. Улар замонавий спорт турлари билан бир қаторда миллий ўйинларимиз бўйича ҳам ўзаро куч сынашдилар.

– Бу каби тадбирлар дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашдан ташқари, соғлом турмушнинг тарғиб қилиш ва тажриба алмашишга ҳам хизмат қилади, – деди туман кенгаши раиси Ҳусниддин Муҳиддинов. – Айниқса, аҳоли вакилларини жалб қилганимиз ҳаммага маъқул бўлди. Улар ўз маҳоратларини синаб кўриш баробарида мириқиб ҳордиқ чиқаришди.

Қўтаринки руҳда ўтган спартакиадада 20 нафарга яқин ғолиблар аниқланди. Уларга диплом ва эсдалик совгалари топширилди. Шунингдек, ажойиб байрам дастури ҳам ташкил этилди.

Сайёра МИРЗАЯКУБОВА,
Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Спартакиада

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ташаббуси билан турли корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ходимлар учун оилавий спорт мусобақаси ташкил этилди.

«Отам, онам ва мен – спортчилар оиласи» шиори остида ўтказилган спартакиадада спортсевар оилалар бир-бири билан баскетбол тўпини саватга тушириш, арқон тортиш, тез югуриш, ўмбалоқ ошиш каби шартлар бўйича беллашдилар. Эътиборлиси, унда ота-она ва болалар бир муддат чакқон спортчига айланиб, оилалари ғалабаси учун бор маҳоратини ишга солидилар.

Тадбир аввалида кенгаш раиси Абдулла Нугманов ҳамда Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси масъуллари қатнашчиларни қутлашди. Уларга оилавий бахт-саодат, мусобақада эса омад тилашди. Шун-

дан сўнг ҳаяжонга бой беллашувлар бошланди.

– Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги 2-техникумда ўқитувчи бўлиб ишлайман, – дейди беллашувда турмуш ўртоғи ва ўғли билан қатнашган Мадина Каримова. – Уч фарзандимиз бор. Ҳаммаси спорт билан шугулланади. Шу боисданми дастлабки икки босқичда ҳам муваффақият қозондик. Мактабимизда касаба уюшмалари яхши ишлайди. Ўтган йили «Чинобод санаторийси»да дам олишга йўланма беришганди. Ҳамкасбларимиз билан саёхатларга ҳам бориб турамиз. Бугунги беллашув ишчи-ходимлар учун оилавий бирдамликни қучайтириш учун бир имконият бўлди. Кеча пойтахтимиздаги Ислон цивилизацияси марказига бордик. Автобусда шаҳарни айланиб, унда бўлаётган бунёдкорлик ишлари билан танишдик. Бу саёхат фарзандларимиз, оиламиз билан биргаликда ташкиллаштирилгани мента жуда манзур бўлди.



Барча шартлар якунига етгач, ғолиб оилалар маълум бўлди. Унга қўра, хоразмлик Рўзметовлар биринчи, Тошкент шаҳридаги Нишоновлар иккинчи ва фарғоналик Каримовлар оиласи учинчи ўрнига муносиб, деб топилди. Бундан ташқари, «Энг қаққон ота», «Ғалабага бўлган интилиши юксак оила», «Энг фаол она», «Энг эпчил бола» каби

номинациялар бўйича ҳам муносиблар аниқланди.

Ғолиблар ва барча иштирокчиларга диплом ҳамда қimmatбаҳо эсдалик совгалари топширилди.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»
Эъзоза УМУРЗОҚОВА олган сурат

Сўранг, жавоб берамиз...

САВОЛ: Бўлажак турмуш ўртоғимга нотариусда тасдиқланган шартнома асосида икки хонали квартира ҳада қилдим. Аммо орадан бир неча кун ўтиб, у автоҳалокатга йўлиқиб, вафот этди. Квартирани қайтариб олмоқчиман. Бунинг иложи борми?

Саидқабар УМАРОВ
Тошкент шаҳри

ҲАДЯМНИ ҚАЙТАРИБ ОЛСАМ БЎЛАДИМИ?


ЖАВОБ: Ҳада шартномасига мувофиқ бир тараф (ҳада қилувчи) бошқа тараф (ҳада олувчи) га бирон-бир ашёни бепулга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади.

Кўчмас мулк ёки автотранспорт воситаларини ҳада қилиш шартномаси нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Одатда ҳада орқага қайтарилмайдиган битим ҳисобланади, яъни ҳада шартномаси ўрнатилган тартибда расмийлаштирилиб, томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб, ҳада қилинаётган буюм, масалан, квартирага бўлган эгалик ҳуқуқи дарҳол ҳада олувчига ўтади. Ҳада олувчи ҳада қилувчидан олдин вафот этган тақдирда ҳам эгалик ҳуқуқи ҳада қилувчига қайтмайди.

Қонунчиликда ҳада шартномасини бекор қилишга оид бир қатор қоидалар ҳам кўзда тутилган. Унга қўра, агар ҳада шартномасида ҳада олувчи ҳада қилувчидан олдин вафот этган тақдирда ҳада қилувчининг ҳадяни бекор қилиш ҳуқуқи шарт қилиб қўйилган бўлса, ҳада қилинган ашё, яъни квартира ҳада қилувчига қайтарилиши мумкин. Модомики, ҳада шартномасида бундай мазмундаги шарт кўрсатилмаган экан, ҳада қилинган квартира қайтарилмайди ва ворислик ҳуқуқи бўйича вафот этган шахснинг меросхўрларига ўтади.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими



Вақт ором нималигини билмайдиган ниҳоясиз ҳаракатдир – уни бошқача тушуниш мумкин эмас.

Лев Толстой

Одамлар орасида

СОҒЛИҒИМ ТУФАЙЛИ НАВБАТДАГИ ТИББЫЙ КЎРИҚДАН ЎТИШ УЧУН МЕХНАТГА ВАҚТИНЧА ЛАЁҚАТСИЗЛИКНИ ЭКСПЕРТИЗА ҚИЛИШ ЁКИ ТИББЫЙ-ИЖТИМОЙ ЭКСПЕРТИЗАСИ (ВТЭК)ГА БОРДИМ. НАВБАТ КУТАЁТИБ, ЁНИМДА ЎТИРГАН АЁЛ БИЛАН ГАПЛАШИБ ҚОЛДИМ. УНИНГ ИЧИ ТЎЛА ДАРД ЭКАН ШЕКИЛЛИ, ГАП ХАЛТАСИ ОЧИЛИБ КЕТДИ.

– Бош миямда жароҳлик амалиёғи ўтказилган, – деди у. – Аввалига бир ярим йил иккинчи гуруҳ ногиронлиги беришди. Кейин учинчи гуруҳга ўтказишди. Бугун эса шифокорлар қандай қарорга келишар экан, билмадим... Ростини айтсам, ичкарига киришга юрагим бетламаяпти...

У бироз тин олди-да, гапида давом этди: – Ахир, бу гуруҳдан менга нима наф? Ишга кирмоқчи бўлсам, кассалигимни пеш қилиб, олишмайди. Даволанай, десам, имтиёз йўқ. Ҳатто бир сафар гуруҳдан чиқариб ташлашларини сўрадим. Аммо «Бош миянгиздан операция бўлгансиз, сизни чиқариб бўлмайди», дейишди. Унинг дардини эшитиб, ҳайрон қолдим. Ногиронлик ҳужжати бўлса-ю, лекин ундан фойда бўлмаса... Қизиқ ҳолат...



III гуруҳ ногиронлиги: ҳужжат бор, имтиёз йўқ

шифокорлар олдига кириб кетди. – Хотинимнинг ахволини биласизлар-ку! Бошидаги огрикдан азоб чекаётганидан хабарингиз бор! Боз устига, юраги ҳам яхши эмас. Наҳотки, булар инobatга олинмаса? – деди алам билан. Ҳақиқатан ҳам, бугун III гуруҳ ногиронлари учун бирон-бир имтиёз йўқ. Улар на давлат ҳимоясида, на жамият... Ҳеч кимга сир эмас, I ва II гуруҳ ногиронлари учун турли имтиёзлар, нафақалар ва қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланган. Бу табиий. Чунки уларнинг меҳнат қобилиятида жиддий чекловлар бор. Учинчи гуруҳ тоифасига кирувчилар эса гўё икки олам ўртасида қолиб кетгандек. Бир тарафдан улар тўлиқ соғлом эмас, иккинчи томондан эса,

уларга аксарият ҳолларда тўлиқ ижтимоий ҳимоя ҳам татбиқ этилмайди. «Ишлай олмайман», деб ёрдам сўраса, «Мехнатга лаёқатлисиз», деган жавоб берилади. Айниқса, меҳнат бозорида бу муаммо яққол сезилияпти. Қонунларда тенг имкониятлар ҳақида кўп гапирилса-да, амалиётда қўллаб иш берувчилар соғлиғида муаммоси бор ходимни ишга олишни хоҳлашмаяпти. Аслида III гуруҳ ногиронлиги берилган инсонларнинг ҳам маълум бир қисмидаги ёки соғлиғидаги жиддий муаммо туфайли мунтазам тиббий кўриққа, даволанишга, дори-дармонга эҳтиёжи бор. Ҳўш, шундай экан, бу тоифадагилар қандай йўл тутуши керак? Ривожланган давлат-

лар тажрибасига назар ташласак, ногиронлиги бўлган шахсларни меҳнатга жалб қилиш учун махсус квоталар, мослаштирилган иш ўринлари, касбга қайта тайёрлаш дастурлари ва қўшимча рағбатлантириш механизмлари жорий қилинганини кўра-миз. Тўғри, бизда ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Аммо бу механизмлар амалиётга қутилганидек татбиқ этилмаяпти. Хуллас, «ВТЭК» эшиги олдида учратганим ўша аёлнинг муаммоси қўллаб инсонларнинг дарди. Шу боис мазкур масала юзасидан мутасаддилардан муносабат кутиб қоламиз.

Раъно МАҲКАМОВА «ISHONCH»



Турмуш ўртоғим қарийб йигирма йилдан буён ўқитувчилик қилади. У ўз касбини яхши кўради, етарли билим ва педагогик маҳоратга эга. Бироқ йиллар ўтган сари унинг дарс беришга қизиқиши сўниб бораётганини сезаман. Бунинг сабаблари менга яхши маълум. Чунки унинг иш фаолияти давомида таълим тизимида кечаётган қўллаб ҳолатларнинг бевосита гувоҳи бўлганман. 2009 йил. Кўз. Мен иш жойимдан пахта терими-га юборилиш арафасида эдим. Турмуш ўртоғим коллежда ишларди. Бир кун у ҳам ўқитувчиларни Сирдарё ёки Жиззах вилоятига пахта теримига жўнатишлари мумкинлиги ҳақида хабар топиб келди. Мен бунга қарши чиқдим. Чунки икки нафар кичик фарзандимиз бор эди. Раҳбариятга оилавий ҳолатни тушунтириш бора-сидидаги ҳаракатлар натижа бермади. Кўп илтимос ва ялинишлардан кейин пахтага бормаслик масаласи 300 минг сўм эвазига ҳал бўлди. Ўша вақтда бу ҳолат мен учун нафақат адолатсизлиқни, балки инсон қадри нақадар арзонга баҳоланишини ҳам аңлатган эди.

Акс садо

ДЕВОР ОРТИДАГИ ҲОЛАТЛАР

2010 йил. Турмуш ўртоғим курааторлик қилган гуруҳдаги ўқувчи қизлардан бири унаштирилган экан. Шу муносабат билан туман ҳокимлигида йиғилиш чақирилибди. Кечки соат тўққизларга яқин қайтган аёлим йиғилишда анча танбех эшитганини айтди. Мен эса бир нарсани тушуна олмадим: ўша қиз туғилганда ҳам, боғчага борганда ҳам, мактаб ва коллежда ўқиганда ҳам, турмуш қуриш учун унаштирилганда ҳам ўқитувчининг қандай айби ёки ишги-роки бўлган? Нега бу масала учун, аввало, ота-онаси эмас, ўқитувчи жавоб бериши керак? 2011 йил. Баҳор. Коллеж битирувчиларининг иш билан таъминланиши бўйича ҳисобот талаб қилинаётган экан. Аксарият ўқувчилар келажакда ишга қабул қилиниши ҳақида турли ташкилотлардан маълумотнома олиб келишган. Аммо баъзилари шунини ҳам қилмаган.

батлашдик, отаси билан боғланишга ҳаракат қилдик. Аммо натижа бўлмади. Шунда эҳтимолий хавфдан ҳимояла-ниш мақсадида мактаб раҳбарияти но-мидан маҳалла, отаси яшайдиган ҳудуд ва бошқа ташкилотларга мунтазам ҳаг-лар юбориб туришга мажбур бўлдик. Ўқув йили давомида ҳар икки ойда бир неча марта хат ёзишга тўғри келди. Ажабланарлиси, йил давомида мак-табга атиги 20-30 кун қатнаган бу ўқувчи синфдошлари билан бирга мактабни та-момлади. 2023-2024 ўқув йили. Турмуш ўртоғимнинг айтишича, айрим дарсликлар хорижда нашр қи-либ, келтирилган. Аммо ўқув йилининг учинчи чораги тугаб бораётган бўлса-да, пойтахтдаги айрим синфларда баъзи фан-лар бўйича дарсликлар ҳалигача ўқувчи-лар қўлига етиб келмаган эди. Бу ҳолатни қандай изоҳлаш мумкин?..

*** Мактаб деворлари ортида шунга ўхшаш яна қанча воқеалар «яширин-ган». Мен эшитмаган ва кўрмаган муаммолар қанча экан? Шунча йиллик кузатишлардан сўнг аңлаганим шунки, мамлакатимиз мактабларида турмуш ўртоғим каби фидойи, меҳнаткаш ва виждонли ўқи-тувчилар минглаб топилади. Аммо уларнинг меҳнати қўйинча қорғозбоз-лик, сунъий ҳисоботлар, асоссиз та-лаблар ва жамиятда ўқитувчи обрўси-нинг етарлича қадрланмаслиги соя-сида қолиб кетмоқда. Минбарларда чиройли рақамлар ва муваффақиятлар ҳақида кўп га-пирилади. Аммо таълим тизимидаги ҳақиқий муаммоларни тан олмасдан туриб, келажакни қуриб бўлмай-ди-ку!.. Ўқитувчи ўзининг моддий ва маъ-навий эҳтиёжлари ҳақида қайғурмай, бор кучини таълим-тарбияга бағиш-лай оладиган муҳит яратилмас экан, бу ҳолат нафақат таълим сифати-га, балки бутун жамият тараққиётига салбий таъсир кўрсатаверади.

Илёс ХОЛБОЕВ



БМТ ўн йилдан сўнг илк бор янги бош котиб танлашга тайёрланмоқда ва у тузилма тари-хида биринчи марта аёл раҳбар қўлига ўтиши мумкин. Ваколати 2026 йил декабрида тугайдиган Ан-тониу Гутерришнинг вориси лавозими учун ку-рашга ҳозирча беш нафар номзод бор, уларнинг уч нафари – аёл. БМТ сайтида очик-ойдин ёзилишига кўра, янги бош котиб Лотин Америкаси ва Кариб ҳав-заси мамлакатларидан бўлиши кутилмоқда. Бу ҳудуд норасмий географик ротация таъмоийли бўйича навбатдаги минтақа ҳисобланади. Саралаш жараёни қатъий тартибга солинган бўлиб, расмий номзод кўрсатишдан бошланади. Ҳозирнинг ўзида даъвогарлар муайян давлатлар қўллаб-қувватловига эга. Рафаэль Гроссини Ар-гентина, Ребека Гринспенни Коста-Рика, Ма-рия Фернанда Эспиносани Антигуа ва Барбуда, Сенегалнинг собиқ президенти Маки Сални Бу-рунди расман илгари сурган. Мишель Бачелет номзодини эса Бразилия ва Мексикадан иборат Лотин Америкаси давлат-лари коалицияси қўллаб-қувватлаган. Аввалига бу гуруҳда Чили ҳам бўлган, аммо кейинчалик у расмий номзодликни қайтариб олган бўлса-да, Бачелетга минтақавий қўллов сақлаб қолинган. 21 апрелдан бошлаб, БМТда 2027-2031 йиллар учун бош котибликага номзодлар ўртасида «ку-раш» бошланган. Номзодлар Бош Ассамблея-

да очик эшитувлар ва интерактив мулоқотлар орқали ўз дастурларини тақдим этишмоқда. Сайловнинг ҳал қилувчи босқичи Хавфсиз-лик Кенгашининг ёпик эшиклар ортидаги муҳо-камаларида кечади. Ҳолиб тавсия олиши учун 15 аъзодан камида 9 тасининг қўлловига эга бўл-моғи керак. Шу билан бирга, вето ҳуқуқига эга бешта доимий аъзо – АҚШ, Хитой, Россия, Буюк Британия ва Франциядан ҳеч бири қарши чиқ-маслиги лозим. Шундан сўнг Хавфсизлик Кенгаши маъқу-ллан ағона номзод бўйича Бош Ассамблея сес-сиясида рамзий овоз бериш ўтказилади.

ЭСКИ БОШ КОТИБЛАР ВА ЯНГИ НОМЗОДЛАР

БМТ ташкил этилганидан бери тўққиз на-фар бош котиб тасдиқланган. Илк Бош ко-тиблар европаликлар бўлган – норвегия-лик Триюве Ли (1946-1952 йй.) ва швециялик Даг Хаммаршельд (1953-1961 йй.). Кейинчалик эса давлатлар ўртасидаги норасмий келишувга му-вофиқ, ротация таъмоийли жорий этилади: маз-кур лавозимни навбатма-навбат турли минтақа-вий гуруҳлар вакиллари эгаллаб келишмоқда. БМТ тарихида Фарбий Европадан уч, Лотин Америкасидан бир, Африка ва Осиёдан эса икки нафардан вакил мазкур лавозимда фаолият юритган. 2001 йил 10 декабрда БМТнинг еттинчи бош

котиби Кофи Аннан тинчлик бўйича Нобель му-кофотига сазовор бўлган биринчи ва ҳозирча яғона бош котибдир. 2017 йилдан буён БМТ Бош котиби лавози-мини Антониу Гутерриш эгаллаб келмоқда. У 2021 йилда иккинчи муддатга қайта сайланган. Таъкидлаганимиздек, кейинги бош котиб Лотин Америкасидан аёл киши бўлиши ке-рак. Бироқ амалиёт шунини кўрсатадики, «Агар мумкин бўлмаса ҳам, истак кучли бўлса – мум-кин». Масалан, ўн йиллар давомида Марказий ва Шарқий Европадан чиққан аёлни сайлаш ҳақида гаплар урчиган эди, аммо натижада Гу-терриш танланган. 65 ёшли аргентиналик Рафаэль Гросси 2019 йилнинг охиридан бери МАГАТЭ бош директори лавозимида ишлаб келмоқда. Аргентина унинг номзодини илгари сургани президент-либерта-риан Хавьер Милейнинг қўлловини аңлатади. 70 ёшли Ребека Гринспен – Коста-рикалик иктисодчи. У Польшадаги яҳудий муҳожи-рлар оиласидан чиққан. Ватанида социал-демо-кратик йўналишдаги Миллий озодлик партия-си аъзоси ҳисобланади. 2021 йил 13 сентябрда у БМТ Савдо ва тараққиёт конференциясининг тарихдаги биринчи аёл бош котиби лавози-мини эгаллаган. 2022 йилда Россия, Украина, Туркия ва БМТ ўртасида «Қора денгиз дон кели-шуви» тузилишига ҳисса қўшган. 74 ёшли Мишель Бачелет социалистик қар-рашлари билан танилган сиёсатчи. Унинг отаси Альберто Бачелет Чили ҳарбий-ҳаво кучлари-нинг бригада генерали бўлган ва Августо Пино-чет диктатураси даврида таъкиб қилиниб, 1974 йилда қийноқлар оқибатида вафот этган. Бачелет ва унинг онаси эса ГДРга чиқиб ке-тишга мажбур бўлган. У ерда тиббиёт бўйича таълимини давом эттириб, немис тилини ва қисман рус тилини ҳам ўрганган. 1979 йилда Бачелет Чилига қайтган. Унинг президентлиги даврида Россия ва Чили ўрта-сида визасиз тартиб жорий қилинган, ижти-моий таъминот тизими бўйича ислохотлар амалга оширилган.

Президентлик муддати биттач, 2018-2022 йилларда БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйи-ча Олий комиссари лавозимида ишлаган. Бу вақтда Россия ҳамда Хитой билан жиддий келишмовчиликлар юзага келган. 2022 йилда Россия ТИВ вакили Захарова Баче-летнинг Украинадаги ҳарбий жиноятлар бўйи-ча позициясини «фейклар билан асослашда» айблаган бўлса, худди шу йили Пекин ҳам унинг Шинжонда уйғурлар ҳуқуқлари бузилиши ҳақи-даги ҳисоботини қаттиқ танқид қилган. Шу йил март ойида Чилининг янги ўнг қан-от ҳукумати Бачелет номзодини қўллаб-қув-ватламаслигини айтган. Аммо Мексика ва Бра-зилия қўллови сақланиб қолган. Сенегалнинг 64 ёшли собиқ президенти Маки Саль ҳам ҳозирги ҳокимият билан яхши муносабатда эмас ва шу сабабли мамлакатни тарк этган. Президентлиги даврида (2012-2024) Россияга беш марта таширф буюрган. 2022-2023 йилларда Россия ва Украина етакчилари ўрта-сида воситачилик қилишга уринган. Экспертларнинг таъкидлашича, бош котиб шахси БМТ истиқболи учун катта аҳамиятга эга. Масалан, Гутерриш хавфсизлик эмас, балки гендер сиёсати, рақамлаштириш ва бошқа гло-бал масалаларга уруғ берган. Янги бош котиб эса нафақат БМТ бюрократияси каби аъъонавий муаммолар, балки Трампнинг молиялаштиришни қисқар-тириш таҳдиди каби қақирикларга ҳам дуч ке-лади. Таҳлилчиларда кейинги раҳбар лавозимини Рафаэль Гросси эгаллайди, деган ишонч бор. Тахминларга кўра, Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоларидан ҳеч бири Гросси номзо-дида вето қўймайди ва бу сайловда ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

КУТИЛМАГАН НОМЗОД ЧИҚИШИ МУМКИН

Фарб ОАВ маълумотларига кўра, Қозоғистон президенти Қосим-Жомарт Тоқаев ҳам БМТ Бош котиби лавозими учун кутилма-

ган номзод сифатида қўрилмоқда. 2016 йилги бош котиб сайловида энг сўнгги номзод сифатида Кристалина Георгиеваннинг номзодини сентябрь ойи охиридагина илгари сурилган эди. Тоқаев Москва давлат халқаро муносабат-лар институти (МГИМО) битирувчиси, дип-ломли дипломат. У БМТнинг олти расмий ти-лидан тўрттасини – инглиз, француз, рус ва хитой тилларини билади. 2011-2013 йилларда БМТ Бош котиби ўринбосари, Женевадаги БМТ офиси раҳбари бўлган, шунингдек, икки марта Қозоғистон ташқи ишлар вазири вазифасини бажарган. Тоқаевнинг ўзи ҳам бу миш-мишларга билвосита туртки бергани айтилади. 17 апрель кун у Туркиянинг Анталия шаҳрида бўлиб ўт-ган 5-дипломатик форумда (ADF) деярли дасту-рий маъруза билан чиқиш қилган. «Асосий музокаралар БМТ ва бошқа йирик халқаро тузилмалар майдонидан ташқарида ўт-моқда. Бу жиддий муаммо. Бу БМТнинг роли па-сайишини аңлатади. Мен бундан қаттиқ хаво-тирдаман, чунки ўзим БМТ тизимида ишлаган-ман», деган Тоқаев. «Бу масала камида 30 йилдан бери муҳока-мада. Аммо чиройли нуқта ва декларациялардан бошқа ҳеч нарсa юз бермаяпти», деб қўшимча қилган Қозоғистон раҳбари. Янги конституцияга кўра, президент фақат бир марта етти йиллик муддатга сайланиши мумкин. Навбатдаги сайлов 2029 йилда ўтиши керак. Экспертлар фикрича, Тоқаевнинг БМТ бош котиблигига номзоди МДХ давлатларини қу-вонтириши катта эҳтимол. Тоқаев номзодининг кечиктириб илгари сурилиши фақат Хавфсизлик Кенгаши бошқа номзодлар бўйича узоқ вақт келиша олмаган тақдирдагина эҳтимолий сценарий сифатида амалга ошиши мумкин.

Аброр ХОН

4

ТАМАДДУННИНГ ҲАР БИР ДАВРИ ИНСОНИАТНИНГ ҲАЁТ ТАРЗИНИ ТУБДАН ЎЗГАРТИРГАН БУЮК ИХТИ-РОЛАРГА ГУВОҲ БЎЛГАН. АЙНИҚСА, АХБОРОТГА БЎЛГАН ЭХТИЁЖНИ ҚОНДИРИШ ТИЗИМИ ЎЗИГА ХОС ТАРИХИЙ ЙЎЛНИ БОСИБ ЎТМОҚДА. БИР ПАЙТЛАР БОСМАҲОНА, КЕЙИНЧАЛИК РА-ДИО, ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА ИНТЕР-НЕТ ЖАМИЯТНИНГ АХБОРОТ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТЛА-РИНИ КЕНГАЙТИРГАН БЎЛСА, БУГУНГА КЕЛИБ СМАРТ-ФОН ШУНДАЙ ВОСИТАГА АЙЛАНДИКИ, УШБУ ҚУ-РИЛМАСИЗ КҮН ЎТКА-ЗИШНИ ТАСАВВУР ҲАМ ҚИЛОЛМАН ҚОЛДИК. ҲАТТО УНИНГ «АСИ-РИ»ГА АЙЛАНИБ УЛГУРДИК.



«ЧИРОҚ ҚУЛИ» БЎЛИБ ҚОЛМАЙЛИК

Мулоҳаза

Уйғонишимиз билан қўлимизга оладиган, уйқуга ке-тишдан олдин эса энг охириги нигоҳ ташлайдиган воситамиз – смартфон. У орқали янгиликларни ўқий-миз, молиявий операцияларни амалга оширамиз, таълим оламиз, мулоқот қиламиз, ҳордиқ чиқарамиз. Аммо айнан мана шу қулайлик инсонни янги турдаги руҳий қарамликка етаклаётгани, айниқса, улғайиб келаётган авлод онгини заҳарлаётганини хусусида жиддийроқ ўйлаб қўришга хануз вақт тоғолмаямиз.

Бу вазиятдан дунё зиёлилари аллақачон ташвишга тушган. Хусусан, австралиялик олимлар смартфонни «паразит»га қийслагани кенг муҳокамаларга сабаб бўлди. Албатта, бу ерда гап биологик паразит ҳақида эмас, балки инсон ва технология ўртасидаги муносабатлар қай дара-жада трансформацияга учраётгани хусусида бормоқда. Шу ўринда ҳақли савол турилади: технология инсон ҳаётини бошқаришнинг ёки инсон технологияни?

– Ававали асрларда корхоналар маҳсулот ишлаб чиқара-диган хомашё ва энергия ресурслари учун курашган бўлса, бугун рақамли платформалар инсон диққат-эътибори билан рақобат қилмоқда, – дейди «Ипак йўли» халқаро туризм ва маданий мерос университети ўқитувчиси Маҳмудхон Юнусов. – Ижтимоий тармоқлар, қисқа видеолар, тинимсиз кедувчи хабарлар ва сунъий интеллект асосида шаклланти-рилган тасвирлар тизими инсонни экран қаршисида илоҳи борича узокроқ ушлаб туришга дастурланган. Бу тасодиф эмас. Чунки фойдаланувчи қанча қўп вақт онлайн бўлса, платформалар шунча қўп маълумот йиғади ва реклама да-ромадларини қаррасига оширади.

Бугун ақсарият одамлар кун давомида ўнлаб, баъзан юз-лаб марта телефон экранига кўз югуртиришади. Бу кўпичина бирор ҳаётинг эҳтиёж туйғайли эмас, балки сурункали одат сабабли содир бўлади. Ҳатто ҳеч қандай янги хабар келма-ган бўлса-да, қўл беихтиёр телефонга қўзилаверади.

Тан олиш керак, смартфонлар тунги вақтни ҳам фаол ах-

борот майдонига айлантирди. Илгари кун тугаши билан ин-соннинг ташқи дунёдан ахборот қабул қилиш жараёни ҳам секинлашган бўлса, бугун у ярим тунгача, ҳатто тонггача ижтимоий тармоқлар гирдобиде қолиб кетмоқда. Алақоки-бат кўпчилик эрталаб сурункали чарчоқ ва лоҳаслик билан уйғонади. Қизиги шундаки, кўп ҳолларда инсон уйқуга ке-тишдан олдин «фақат беш дақиқа телефон қўраман», деб ре-жалаштиради, аммо соатлаб вақт йўқотганини сезмай қо-лади. Психологлар бу ҳолатни рақамли муҳитнинг инсон вақт ҳиссини мувозанатдан чиқариши билан изоҳлайдилар. Чексиз янгиланувчи лент ва автоматик равишда ишга ту-шувчи видеолар вақт ўтишини сезиш қобилиятини тўсиб қўяди.

– Бу ҳолат замонавий психологияда «фрагментлашган диққат», деб аталади, – дейди психолог Акмал Туропов. – Ин-сон диққати қисқа вақт ичида бир вазифадан бошқасига су-рункали равишда ўтавергани сабабли, унда чуқур фикрлаш, таҳлил қилиш ва узок вақт давомида бир ишга диққатни жамлаш қобилияти пасайиб кетади.

Кузатувларга кўра, сўнгги пайтларда ижтимоий тар-моқларда «брейрот» (мия чириши) атамаси кенг тарқалди. Мазкур тушунча инсонга интеллектуал ёки маънавий фойда келтирмайдиган, аммо вақтни ютиб юборадиган енгил-елии контент турларига нисбатан қўлланилади. Қисқа видеолар, шов-шувли ва сохта сарлавҳалар, мантисиз бахслар ва чек-сиз кўнгилочар материаллар мияни доимий равишда рағ-батлантириб туради. Натижада китоб ўқиш, таҳлилий мақо-лалар билан танишиш ёки мураккаб мавзулар устида му-шоҳада юритиш каби интеллектуал машғулотлар баъзи инсонларга ниҳоятда зерикарли туюла бошлайди.

Албатта, бу ерда муаммо интернетнинг ўзиде эмас. Ин-тернет орқали дунёнинг энг етакчи университетлари маъ-рузаларини тинглаш, нодир илмий манбалардан фойдала-ниш ва замонавий касбларни ўрганиш мумкин. Ҳамма гап инсон қандай контентни танлашида. Ахборот геометрик

Арзимаган ва бефойда нарсаларга керагидан ортиқча вақт сарфлаш доно одам учун ниҳоятда оғирдир ва бу уни мислсиз ташвишга солади.

Афлотун

Хотира

Сирдарё ада-бий муҳити ва Гу-листон давлат универ-ситетининг илм маскани сифатида шаклланиши, унинг маънавият ўчоғига айланиши ҳақида сўз кет-ганда, беихтиёр кўз ўн-гимизда ўзбек адабиёт-шунослигининг фидойи дарғаларидан бири, филология фанлари номзоди, доцент Умурзоқ Ўлжабоев сиймоси гавдаланади. Унинг ҳаёт йўли шунчаки меҳнат дафтарчасига муҳрлан-ган қуруқ саналар тизмаси эмас, балки умрини миллат маънавияти, она тилимиз жозибаси ва ўзбек адабиёти равнақиға бахшида этган чина-кам инсоннинг маънавий жасоратномасидир.



МАЪРИФАТ БОҒИ БОҒБОНИ ЭДИ

1965 йилда Гулистон туманидаги оддий кишлоқ мактабиде ўзбек тили ва адабиёт фани ўқитувчи-лигидан бошланган заҳматли йўл, аслида буюк бир қарвоннинг тамал тоши бўлган эди. Ёш ва ғай-ратли йигитнинг илмга ташналиғи уни пойтахтга – Тошкент давлат университетининг (ҳозирги Ўз-бекистон Миллий университети) аспирантурасида ўқишга чорлади. Бу ерда у ўз даврининг энг забардаст олимлари мактабини ўтаб, нафақат илмий салоҳия-тини, балки адабий тафаккурини ҳам янада сайқал-лади. Ўтган асрнинг 60-йиллари охирида, ҳали Сир-дарё қўлларида «илм боғи» барпо этилиши кўпчилик учун орзу бўлиб қўринган паллада, Умурзоқ Ўлжабоев ўзининг академик билимлар хазинаси билан Сирдарё давлат педагогика институти ташкил этилишига ҳисса қўшган.

Устознинг ташкилотчилик ва раҳбарлик қобилия-ти, айниқса, 1990 йилдан 2011 йилгача бўлган даврда яқоқл намоён бўлди. Шу даврда у ўзи бошқарган Ўзбек адабиёти кафедрасини ҳақиқий ижод ва илм лаборато-риясига айлантирди. Устознинг иш столида доимо кит-об ва газета-журналлар тахланиб турар, ўзи танаффус пайтларида ҳам янги мақолаларни мутолаа қилиб, шо-гирдларига «Манавини ўқинглар, қизик фикрлар бор экан», деб маслаҳат беришдан чарчамасди. Шоғирд-лари ютуғидан чин дилдан қувонар, камчиликларини эса оталарча меҳрибонлик билан тушунтирарди.

Олимнинг илмий-ижодий фаолияти эса ўзбек ада-биётшунослигининг алоҳида бир саҳифасидир. Унинг адабий танқидчиликдаги дастлабки одими 1966 йили «Сирдарё ҳақиқати» газетасида босилган «Илк қадам» мақоласи билан бошланган бўлса, кейинчалик ёзган «Мардлик ва матонат тасвири», «Сатрлар овози», «Хо-тирада чизилган излар», «Уруш даври ўзбек хикоя-чилиғи», «Бадиий тасвирнинг ҳаққонийлиғи», «Хо-тирага қўлчан умрлар», «Абдулла Қаҳҳор сабоқлари», «Хикоячиликда давр нафаси» каби ўнлаб фундамен-тал тадқиқотлари бутунги кунда ҳам адабиётшунос-ликнинг муҳим манбалари саналади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси сифа-тида адабий муҳитнинг қайноқ жараёнларида фаол иштирок этди. «Халқ таълими аълочилиғи», «Маъна-вият фидойиси» каби кўкрак нишонлари олимнинг илмий салоҳияти ва заҳматкашлигини баҳолаган бўлса, «Меҳнат шухрати» ордени ўзининг бутун ха-ётини миллат маънавияти тараққиётига, ватанпар-вар ва юксак салоҳиятли авлод тарбиясига бахшида этган олимга юксак ҳурмат ва эҳтиромнинг рамзий ифодаси бўлди.

Устоз ўзининг узок йиллик фаолияти давомида қанчадан-қанча таниқли мутахассислар билан елка-ма-елка ишлади, не-не академиклар ва дунё таниган олимлар катори йирик илмий анжуманларда, қизгин баҳсларда қатнашди. Шунга қарамай, ҳамиша сами-мий, ҳокисор, барча учун эшиғи ҳам, қалби ҳам очик инсонлигича қолди.

Ундаги оддийлик ва улғуворликнинг ноёб уйғун-лиги атрофдагиларни ҳамиша ҳайратга соларди.

Бугун Гулистон давлат университетининг ҳар бир бурчагида устознинг вазмин қадамлари, сами-мий суҳбатлари ва нурли сиймоси муҳрланиб қол-ган. Ҳозир ҳам маъруза залларида овози янграёт-гандек, китоб жавонларидан бизга қараб турган-дек туюлаверади...

Музаффар МАМАТҚУЛОВ,
филология фанлари доктори,
Обидахон ФАЙЗУЛЛАЕВА,
филология фанлари доктори

МАЙДОН ТЕКИС, ТЎП ДУМАЛОҚ

Илк маротаба бирданига учта мам-лакат мезбонлик қилаётган футбол бўйича жаҳон чемпионатида гуруҳ босқич ўйинлари авжи паллага қириб бормоқда. Айрим учрашувларнинг натижалари экспертиру, баъзи тах-минчилари-да шошириб қўётгани ҳам бор гап. Масалан, Бразилия – Марокаш (1:0), Австралия – Тур-кия (2:0), ёки Қатар – Швейцария (1:0) терма жамоалари ўйинларида бундай натижалар қайд этилишини кўпчилик кулмаган эди. Биз эса одадагидек жаҳон чемпио-нати доирасидаги қизиқарли маълум-отларни тақдим этамиз.



ҲАҚАМ АНИҚ

Жаҳон чемпионатининг К гуруҳидаги Ўз-бекистон – Колумбия миллий терма жамоа-лари ўртасидаги учрашувни танқидли инглиз ҳақами Энтони Тейлор бошқариб боради.

Энтони Тейлор 2013 йилда FIFA ҳақами макomini олган. 2022 йилги жаҳон бирин-чилигида 2 та, 2024 йилги Европа чемпиона-тида 3 та ўйинни бош ҳақам сифатида бош-қарган.

17 июнь куни (Тошкент вақти билан 18 июнь тонгида) унга қанотларда ҳамюрт-лари Гари Бесвик ҳамда Адам Нанн ёрдам беришади.

БЕЧОРА ИНГЛИЗЛАР

Англия терма жамоаси атрофида со-дир бўлаётган кўнгилсизликларни эшитиб,

сарлавҳадаги сўзлар беихтиёр хаёлингизга келса ажабмас. Ким билсин, жамоа жаҳон чемпионатида учиб борган самолётнинг олдини қора қарга кесиб ўтганми, боши ташвишдан чикмай қолди. Келинг, уларни бирма-бир санаймиз:

– 7 июнь куни инглизлар жойлашган машғулот базаси яқинида отишма юз берди.

– терма жамоа яшаётган шаҳарда 9 июнь кунини зилзила содир бўлди.

– Коста-Рика билан ўртоқлик ўйини (10 июнь) олдида кучли момақалдиқроқ бўл-гани сабабли учрашувнинг бошланиши 1,5 соатга кечиктирилди.

– 13 июнь куни инглизларнинг жами 18 минг долларлик машғулоти бўялганми, яъни форма, оёқ кийим, тўплар номаълум шахс-лар томонидан ўғирлаб кетилди.

– 13 июндан 14 июнга ўтар кечаси шаҳарда торнадо хавфи эълон қилинди. Ша-мол тезлиги 130 км/соатгача етгани боис, Англия терма жамоаси делегацияси тунни ертўлада ўтказишга мажбур бўлган.

МЕССИ ЯНА БИР РЕКОРДНИ ЯНГИЛАЙДИМИ?

Германия терма жамоасининг собиқ ҳу-жумчиси, 2014 йилги жаҳон чемпиони Ми-рослав Клозе мундиалларда жами 24 та ўйинда майдонга тушиб, 16 та гол кирит-ган. У журналистлар билан мулоқот чоғида жорий жаҳон биринчилигида ушбу рекорди янгилаиши таъкибчилиси айтган. Клозе-нинг энг яқин таъкибчиси Лионель Месси бўлиб, унинг ҳисобида 13 та гол бор. «Ай-нан Месси менинг рекордимни янгиласа,

ЖЧ–2026

жуда хурсанд бўлардим. Чунки мен унинг муҳлисман», – деган Клозе Германиянинг «Süddeutsche Zeitung» наشري муҳбирига.

«ЧЕМПИОНАТ ТИЖОРАТЛАШИБ КЕТДИ»

«Ливерпуль» клубининг собиқ бош му-раббийи Юрген Клоппнинг фикрича, FIFA жаҳон чемпионатини пул ишлаш манбаига айлантириб, ўта тижоратлаштириб юборган. Хусусан, у ўйинларнинг 25- ва 70-дақиқала-рида футболчилар сув ичиб олишлари учун берилаётган танаффусларни танқид қилди. Немис мутахассисининг «Авал бошда ушбу тартиб иссиқ ҳавода футболчиларнинг сог-лиги тўғрисида қайғуриш сифатида тақдим этилган эди. Амалда эса, у трансляция жа-раёнидаги узилишдан фойдаланиб, ҳомий-ларнинг реклама роликларини эфирга жой-лаштириш воситасига айланиб қолди», деган сўзларини келтирмоқда Испаниянинг «Sport.es» наشري.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

– Кюрасао терма жамоаси жаҳон чемпио-натларидаги илк тўпини Германия терма жамоаси дарвозасига киритди.

– Германия терма жамоаси дарвозабони Михаэль Нойер 5 та жаҳон чемпионатида майдонга тушган тарихдаги иккинчи дарво-забонга айланди.

– «BBC Sport»нинг хабар беришича, FIFA АҚШга киритилмаган самовилик ҳакам Омар Артан жаҳон чемпионатида ишла-ганида тўланиши керак бўлган гонорарни унинг ҳисоб рақамига ўтказиб беришга қа-рор қилган.

Дармон ИБРОҲИМОВ

«ISHONCH»

Тегирмоннинг чархпалағи айлансина айлансин,
Жайрон кўзли ёр юрағи юрагимга боғлансин.
Гулзорларда мўраласам, гулдор рўмоли бошда,
Бизни ҳайрон тентиратган мана шу қалам қолда.



MUASSIS:



2007-йил 11-январда
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie»
gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENAYK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflik fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hay'oti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:

G'ulomjon MIRAHMEDOV

Musahhihlar:

Dilorom XUDOYBERGANOVA,

Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:

Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 22:30

Topshirildi – 23:00

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri,

Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail:

ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning

poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmilyastirtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 220 ta

Shundan: 6 555 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik

kompaniyasi bosmaxonasi –

Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

19 464 nusxasi

«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –

Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

9 201 nusxasi

«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –

Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi,

236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma: G-611

1 2 3 4 5 6